«Олийну»дан ясалган нисба. У — Хоркон дарёсининг куйи окимида жойлашган Марвдаги бир кишлок. Куйидаги олимлар шу кишлокка мансубдирлар:

**1. Фирот ал-Олийний**

Фирот ибн ан-Назр ал-Олийний. Фазилатли нуроний кудамолардан бўлган. У уламолардан, уламолар ундан хадис ривоят килганлар (2: 1/75; 11: 1/66).

**2. Талха ал-Олийний**

Абу Мансур Талха ибн Разик ибн Асад ал- Олийний — шу кишлокнинг кудамоларидан ва ўн икки накибнинг бири бўлган. Абу Муслим уни Хиротнинг хирож солиги учун масъул шахе этиб тайинлаган. Орадан кўп ўтмай хаворижлар уни катл килганлар (11: 1/66).

**3. Мисъаб ибн Разик** Мисъаб ибн Разик ибн Асад ал-Олийний — юкорида номи зикр этилган Талханинг биродари бўлган (11: 1/66).

**4. Тохир ал-Олийний** Тохир ибн Мухаммад ибн Сулаймон ал-Олийний — сермахсул шоир бўлган (И: 1/66).